

Оятларимизга куфр келтирганларни албатта оловга киритиб, куйдирурмиз | Ақийда дарслари (245-дарс)



19:00 / 18.09.2023 4877

Аллоҳ таоло Воқиъа сурасида қуйидагиларни айтади:

﴿٥١﴾ الْمُكَذِّبُونَ الضَّالُّونَ أَيُّهَا إِنَّكُمْ مُّمَّ

«Сўнгра сиз, эй адашганлар, ёлғонга чиқарувчилар!» (51-оят).

Ундан кейин сиз, эй иймон, ҳидоят, тўғри йўлдан адашган гумроҳлар, эй пайғамбарни, илоҳий китобни, қиёматни ва қайта тирилишни ёлғонга чиқарувчилар!

﴿٥٣﴾ الْبُطُونِ مِنْهَا فَمَالِئُونَ ﴿٥٢﴾ زَقُومٍ مِّنْ شَجَرٍ مِّنْ لَّا كُلُونَ

«Албатта, заққум дарахтидан еювчисизлар. Бас, ундан қоринларни тўлдирувчисизлар» (Воқиъа сураси, 52-53-оятлар).

Ўша машъум кунда сиз адашганлар ва ёлғонга чиқарувчилар заққум номли дарахтдан ейсизлар, еганда ҳам қоринларни тўлдириб ейсизлар.

Заққум дарахти қандай эканини ҳеч ким аниқ билмайди. Лекин яхши нарса эмаслиги ҳаммага маълум. Шундан умуман аччиқ, ёқимсиз нарсаларни «заққум» дейиш одат тусига кириб кетган. Бошқа бир оятда заққум дарахтининг меваси шайтоннинг калласига ўхшаши айтилган. Шайтонни ҳам ҳеч ким кўрмаган. Лекин унинг энг хунук, энг ёмон нарса эканини ҳамма билади. Демак, дўзахийларнинг таоми энг аччиқ, энг хунук, энг ёмон нарса экан. Улар шу даражада оч қолар эканки, ёмонлик, хунуклик ва аччиқликда тенги йўқ ушбу нарсадан қоринларини тўлдириб олар эканлар. Азоб устига азоб, қийноқ устига қийноқ.

Албатта, қорин аччиқ нарсага тўйгандан сўнг, киши бирон нарса ичиб, оғиздаги аччиқни, қориндаги оғриқни бостиргиси келади. Шунда бу гумроҳларга нима берилади?

الْحَمِيمِ مِنْ عَلَيْهِ فَشَرِبُونَ ﴿٥٤﴾

«Бас, устидан ўта қайноқ сувдан ичувчисизлар» (54-оят).

Яъни заққумнинг устидан бошқа ичадиган нарса йўқлигидан мажбур бўлиб ўта қайноқ сувни ичасизлар. Ичганда ҳам

الْهِمِ شَرِبَ فَشَرِبُونَ ﴿٥٥﴾

«Ташна туянинг ичишидек ичувчисизлар» (55-оят).

Оятдаги «ҳийм» сўзи чанқоқ касалига учраган туя маъносини билдиради. Маълумки, туя одатда кўп сув ичади, чанқоқ касалига учраганда эса ичиб тўймайди. Заққумдан қорнини тўйғазиб олган дўзахийлар ҳам чанқоқларини босиш учун ўта қайноқ сувни тинмай ичаверар эканлар.

﴿٥٦﴾ الدِّينِ يَوْمَ نُرْهِمُهُمْ هَذَا

«Уларнинг қиёмат кундаги зиёфатлари мана шу!!!» (56-оят)

Аллоҳ таоло бунақа «зиёфат»дан Ўзи асрасин!

Аллоҳ таоло Нисо сурасида қуйидагиларни айтади:

نَضِجَتْ كُفْمًا نَارًا نُصَلِّيهِمْ سَوْفَ بِأَيَّتِنَا كَفَرُوا الَّذِينَ إِنَّ

كَانَ اللَّهُ إِبْتِغَاءَ الْعَذَابِ لِيَذُوقُوا غَيْرَهَا جُلُودًا بَدَلْنَاهُمْ جُلُودَهُمْ

﴿٥٦﴾ حَكِيمًا عَزِيزًا

«Оятларимизга куфр келтирганларни албатта оловга киритиб, куйдирурмиз. Қачонки терилари етилиб пишганда, азобни тотишлари учун уларга бошқа тери алмаштирурмиз. Албатта, Аллоҳ ўта иззатлидир, ўта ҳикматлидир» (56-оят).

Куфрнинг охири яхшиликка олиб бормаслиги аниқ. Куфр келтирганлар бу дунёда турли бало-офатларга дучор бўлиб ўтишлари собит бўлган, инкор этилмас ҳақиқатдир. Куфр келтирганларнинг охирабда нима бўлишларини ушбу ояти карима васф этмоқда.

«Оятларимизга куфр келтирганларни албатта оловга киритиб, куйдирурмиз».

Аллоҳнинг оятига куфр келтирганлар жаҳаннамга кириш билан чегараланиб қолмайдилар.

«Қачонки терилари етилиб пишганда, азобни тотишлари учун уларга бошқа тери алмаштирурмиз».

Улар кўпроқ азоб тортишлари учун терилари ҳар гал етилиб пишганда, бошқа янги терилар алмаштирилади ва азоб янгидан бошланади. Бу ҳолат абадул-абад давом этади.

«Албатта, Аллоҳ ўта иззатлидир, ўта ҳикматлидир».

Шунинг учун ҳам куфр келтирганларга мазкур азобни раво кўргандир.

Уламолар ушбу даҳшатли ҳолатни тушунтириш учун бир қанча ривоятлар келтирганлар. Ибн Аби Ҳотим Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхудан қилган ривоятда шундай дейилади:

«Бир одам ҳазрати Умар ҳузурларида мазкур оятни ўқиган эди, у киши: «Бу оятни менга яна қайтариб ўқиб бер», дедилар. У одам қайта ўқиди. Шунда Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анху: «Бу оятнинг тафсирини мен биламан, бир соатда териси етмиш марта алмаштирилади», дедилар. Ҳазрати Умар: «Худди шуни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман», дедилар.

Демак, ўт-олов кучли бўлганидан, бир зумда куйдириб, жизғанак қилиб ташлайди ва яна янгидан азоб чекишлари учун тезда терилари янгиланади. Аммо у терилари бу дунёдаги териларига ўхшаш бўлмайди, Аллоҳ таоло дўзахийларнинг азобини янада кучайтириш учун териларини ҳам бошқача қилиб қўйган бўлади.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 22 июлдаги 03-07/5979-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.

